

**Халқаро қамарий ой бошлари  
ва  
Хижрий тақвим бирлиги конгресси**

**28-30 МАЙ 2016  
ИСТАНБУЛ**

**НАҚЛИЙ ВА АҚЛИЙ ДАЛИЛЛАР БҮЙИЧА  
РУЯТ-И ҲИЛОЛ  
(Ҳилолни кузатиш)**



**ТУРКИЯ ТАҚВИМИ  
ВАҚТ ҲИСОБЛАШ ҲАЙЪАТИ РАЁСАТИ**

Тел.: +90 212 454 2388  
Web: [www.turktakvim.com](http://www.turktakvim.com) E-mail: [info@turktakvim.com](mailto:info@turktakvim.com)

# **ЎЗБЕКЧА**

## **МУНДАРИЖА**

<b>№</b>	<b>Модда номи</b>	<b>бет</b>
1	МАҚСАД	3
2	РЎЗА , ҲАЖ ва ҚУРБОН ойлари “НОСС” орқали аниқланган	3
	а. Руяти ҳилолга (ҳилол кузатишга) тегишли ояти карима ва ҳадиси шарифлар	3
	б. Носсда ижтиҳодга рухсат йўқ	4
	с. Нақлий ва ақлий далиллар бўйича руяти ҳилол вақтини ҳисоблаш мумкин эмаслиги маълум.	4-6
	д. Ислом олимлари ва Ислом астрономларининг руяти ҳилол ҳақида айтган зарурий маълумотлар.	6-8
3	АҚШ ҳарбий-денгиз расадхонаси USNO (US NAVAL OBSERVATORY) сайтида руяти ҳилол ҳақида маълумот	8
4	ИБРОНИЙ ТАҚВИМИ	8-9
5	РАЖАБ-1437 ОЙИГА ОИД ҲИЛОЛНИНГ КУЗАТИЛИШИ	9
6	НАТИЖА	9-10

# **ХАЛҚАРО ҲИЖРИЙ ТАҚВИМ БИРЛИГИ КОНГРЕССИ**

## **28-30 МАЙ 2016**

### **НАҚЛИЙ ВА АҚЛИЙ ДАЛИЛЛАР БИЛАН ҲИЛОЛНИ КУЗАТИШ (руят-и ҳилол)**

#### **1. МАҚСАД**

Тақдимотдан мақсад ҳижрий қамарий ой бошларини қатъий равишда аниқлашни қандай амалга ошириш кераклигини динимизнинг амрлари ҳам-да астрономия илмига суюниб изоҳлаб беришдир.

#### **2. РАМАЗОН, ҲАЖ ва ҚУРБОН вақтлари “НОСС” (оят ва ҳадис) билан СОБИТланган.**

Қамарий ойларнинг биринчи кунини, хусусан Рамазон ва Зулхижжа ойларини руят-и ҳилол(-ни кузатиш) орқали аниқлаш кераклиги очиқча билдирилган.

##### **a. Руят-и ҳилолга тегишли ояти карима ва ҳадиси шарифлар:**

- “Сендан ҳилоллар хақида сўрашади, дегинки: Улар инсонлар ва ҳаж учун мийқотлар (вақт аломатлари)дир.” (Бақара, 189). Шайх-ул-ислом Мустафо Сабрий афанди 189-ояти каримани шу мавзуга далил сифатида кўрсатган.
- “Мароқил фалоҳ”даги ҳадиси шарифда “Ҳилолни кўришингиз билан рўза тутишни бошланг, яна ҳилолни кўришингиз билан байрам қилинг!” деб марҳамат қилинди.
- “Ҳилолни кўрмагунча рўза тутманг, уни кўрмагунча байрамни ҳам бошламанг. Агар уғқ булатли бўлса, тақдийр қилинг.” (Бухорий, Муслим, Насойи, Доримий, Муватто-и имоми Молик, Муснад-и Аҳмад бин Ханбал)
- “Ойни кўргандан кейин рўза тутинг ва уни кўргандан кейин байрам қилинг. Агар ҳаво булат бўлса, Шаъбон ойини ўттизга тамомланг.” (Бухорий, Муслим, Термизий, Насойи, Доримий, Муснад-и Аҳмад бин Ханбал)
- “Ибни Обидин” биринчи жилд, 289-саҳифада қиблани аниқлаш мавзусида айтадики: «Рамазони шарифнинг биринчи кунини аниқлашда тақвимларга ишониб қолмаслик керак, деганлар. Чунки рўза тутиш кўкда янги ой кўрилгач фарз бўлади. Пайғамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи вассаллам) “Ҳилолни кўргандан кейин рўза тутишни бошланг!” деб марҳамат қилдилар. Ҳолбуки янги ойнинг туғиши вақти кўриш орқали эмас, ҳисоб билан аниқланади ва бунда ҳисоб саҳиҳ бўлиб, янги ой ҳисоб билан топилган кечада туғади. Лекин айнан шу кеча кўринмай, бир кеча кейин кўриниши мумкин ва рўза тутишни ҳилол туққан кеча эмас, кўринган кеча бошлаш лозим бўлади. Чунки исломият шундай амр қилган.»

## **б. Носсда ижтиходга масоф йўқ.**

Кўриниб турибдики, хоҳ ояти карима ва хоҳ ҳадиси шарифларнинг бундай очиқча буйруқларидан кейин бу масалада ижтиходга ўрин йўқлиги, “Мажалла”нинг 14-моддаси ҳукми билан событдир. Чунки бу моддада “Маврид-и носсда ижтиходга масоф йўқдур” дейилган.

Бундан ташқари, Усмон бин Али Зайлоййнинг “Канз” китобини шарҳлаб ёзган “Табийин-ул-ҳақоиқ” ва Абу Бакр Шатонинг “Иёнат-ут-толибин” китобларида рамазон бошланганининг аниқланиши, ҳилолнинг кўриниши ёки шаъбон ойининг ўттиз кунга тамомланиши билан амалга ошиши ҳақида ижмо ҳосил бўлгани ёзилган.

## **с. Нақлий ва ақлий далиллар бўйича ҳилолни кўриш вақтини ҳисоблаш мумкин эмаслиги маълум.**

Ислом олимлари, Ислом астрономия мутахассислари, астрономия билан шуғулланувчи замонавий ташкилотлар ва ходимлари руят-и ҳилолнинг ҳисоб орқали топиш мумкин эмаслигини, факат кузатиш орқали амалга ошишини турли асарларида очиқ ва катъий қилиб, ҳеч бир шубҳага ўрин қолдирмайдиган тарзда эълон қилганлар.

- Юқоридаги **носс** орқали билдирилган амрларга кўра, Рамазон ойи, ҳилол [янги ой]-нинг кўриниши билан бошланади. Ҳилолни кўрмасдан аввал қилинган ҳисоб ва тақвимга суюниб рўзага бошлашнинг жоиз эмаслигини “**Ибни Обидин**” қибла баҳсида ва “**Ашиъат-ул-ламаот**” ҳамда “**Неъмати ислом**” муаллифлари билдирганлар.

- Яна “**Ибни Обидин**”: «...Рамазон ойининг бошланганини билиш учун астрономик ҳисобларга эътибор берилмайди. Чунки Рамазони шариф ойи кўкда ҳилол кўриниши билан бошланади. Ҳадиси шарифда: “**Ҳилолни кўргандан кейин рўза тутишни бошланг!**” деб марҳамат қилинди. Лекин янги ой (ҳилол)-нинг туғиши вақти кўз ва кўриш орқали эмас, ҳисоб орқали топилади. Ҳисоб орқали топилган вақт қатъиян тўғри бўлади. Шунга қарамай, ҳилол туғилган кеча кўриниши мумкин бўлганидек бальзи ҳолларда шу кеча кўринмай, келаси кеча ҳам кўриниши мумкин. Шу сабабли **Рамазон рўзаси янги ой туғилган кечадан эмас, ер юзидан дастлаб кўринган кечадан эътиборан бошланиши амр этилди**» деган. Тақвимлар эса, ҳилолнинг кўринадиган вақтини эмас, туғиладиган вақтини кўрсатиб тургани учун Рамазон ойининг бошланганлиги тақвимдан тушунилмайди.

- Рамазон ойи ва ҳайит байрамларини факат тақвимга асосланиб, факат ҳисобга суюниб бошлашнинг жоиз эмаслиги “**Фатавоий ҳиндия**”да ҳам ёзилган. Шаъбоннинг ўттизинчи кечаси бир шаҳарда янги ой кўринса, бутун дунёда рўза тутишга киришмоқ лозим бўлади. Кундуз кўринган ҳилол келаётган кечанинг ҳилоли бўлиб ҳисобланади.

- Шаъбон ойининг ўттизинчи кечаси қуёш ботгач, кўкда янги туқсан ҳилолни излаш ва кўргач, бориб қозига хабар бериш вожиби кифоядир. Тақийуддин Муҳаммад ибни Дақиқ айтадики: «**Ижтимои наййирайндан 1-2 кун ўтмагунча ҳилол асло кўринмайди.**»

- “**Мажмуа-и зуҳдия**”да айтиладики: «Шаввол ойининг ҳилолини кўрган киши дарров ифтор қила олмайди. Чунки булатли кунда Шаввол ҳилолини камида икки эркак ёки бир эркак билан икки аёлнинг “кўрдим” дейишлари лозим. Булатсиз очиқ ҳавода Рамазон ва Шаввол ҳилолларини кўп кишиларнинг “кўрдим” дейишлари керак.»

- “**Қозихон**”да айтиладики: «Кўринган янги ҳилол шафақдан (хуфтондан) кейин ботса иккинчи кечанинг ҳилоли; шафақдан (хуфтондан) аввал ботадиган бўлса, биринчи кечанинг ҳилолидир.»

- Олмалик Ҳамди афанди “**Сабил-ур-рашод**” мажмуасининг 22-жилдидаги мақоласида шундай демоқда: “Шариат, Рамазон ойида рўза тутишни астрономик

қоидаларга эмас, янги ҳилолни кўришга боғлагани учун бу масалада ҳисобга эътибор қаратмаган.”

• Яна олмалилик Ҳамди афанди айни мақолада “Рамазон рўзасининг фарз бўлиши янги ойнинг шуҳудига (кўрилишига) боғлиқ эканлиги ва ушбу шуҳуднинг (кўрилиш) рўза тутишга сабаб қилингани шубҳадан узок ҳолда баён қилинган. Бу ерда “шуҳуд” – муддат бўлган ой шахсан кузатилмаганидан буни “шуҳуди ҳилоли шаҳр” (жисмоний ойни кўриш) маъносида тушуниш лозим бўлади. **“Ҳилолни кўрмагунча рўза тутманг, уни кўрмагунча байрамни ҳам бошламанг. Агар уфқ булатли бўлса, тақдийр қилинг.”** ҳадиси шарифида ҳам ояти каримадаги шуҳуддан мурод “руяни ҳилол” эканлиги ва асл мақсад руятдан иборат эканлигига шубҳа йўқ. Бу ояти карима ва ҳадиси шарифга қўра, ҳилолнинг кўринишини ҳисоб-китобга боғлаш эҳтимоли йўқ” деб изоҳлаган.

• Расадхона мудири ва дорулфунун Ҳайъат (астрономия) мударриси Фотих Гўкмен афанди **“Сабил-ур-рашод”** мажмуасининг 22-жилдидаги мақоласида “Жумҳур-и аҳли шаръ, ҳилол-и рамазон ва ҳилол-и фитрнинг субутини руятга, агар у мумкин бўлмаса, икмол-и салосинга хаср этмишлар. (Ислом олимлари рамазон ва ҳайитни аниқлашни янги ҳилолнинг кўринишига, у мумкин бўлмаса, олдинги ойни 30 кунга тамомлашга бир овоздан боғлаганлар.) Бу масалада суюнган далиллари **“Ҳилолни кўрмагунча рўза тутманг, уни кўрмагунча байрамни ҳам бошламанг. Агар уфқ булатли бўлса, тақдийр қилинг”** ҳадиси шарифидир. Аҳли уламонинг аксарияти ушбу ҳадисни “ойни 30 кунга тамомлаш” деб тафсир қилишган. Уларни бундай тафсирга ундан сабаб эса, айни маънода ворид бўлган бошқа ҳадисларда “**тақдийр қилинг**” ифодаси ўрнида **“30 кун рўза тутинг”, “Шаъбонни ўттизга тамомланг”, “30 кунга тўлдиринг”** жумлаларининг келишидир.

“Руяни ҳилол ҳақида астрономик қоидаларнинг якка ўзи шаръий субутда сўзсиз далил бўла олишини юқоридаги изоҳлар етовида айтмаган бўлсам-да, лекин астрономик қоидаларга хилоф равишда ойни кўрдик ё кўрмадик деб гувоҳлик беришда иккита гувоҳ билан чекланиб қолмасликни шариатга мос деб биламан.” Яъни ҳисобдан аввал икки кишининг ҳилолни кўрдим дейишлари инобатга олинмайди. Чунки “ижтимо вақти ҳисоби” қатъийдир, ҳисобдан аввал ҳилолнинг кўриниши мумкин эмас.

Негаким Шофеъий олимларидан имоми Субкий (раҳима ҳуллоҳу таоло): «Шаъбоннинг ўттизинчи кечаси ҳилолни кўргвнини айтувчилар бўлса, лекин ҳисоблар ҳилолнинг бир кеча кейин туғишини кўрсатиб турган бўлса, бу ҳолатда ҳисобга ишонилади. Чунки ҳисоб билан топилган вақт қатъийдир. Янги ойнинг туғилишидан бир кун аввал кўриниши имконсиз» деган. [Ҳилолни кўриш орқали Рамазоннинг бошланиши, ҳисоб билан топилган кундан бир кун кейин бўлиши мумкин. Лекин бир кун аввал бўлиши асло мумкин эмас.]

• Диёнат ишлари қўмитасининг (Туркия) Ҳижрий-қамарий ойбошларини аниқлаш ҳақидаги 30.04.1963 йилги ва 12712-ракамли савол хатига Истанбул технология университети томонидан берилган 17.06.1963 йилги ва 557-ракамли жавобий хатига илова қилинган ўша университетнинг Меъморлик факультети профессори Ҳамит Дилган имзоли ёзувда: **“Барча ҳисоблар қилингандан сўнг қўйида хулоса қилинадиган кузатиш шартлари ҳам рўёбга чиққан тақдирда ҳам янги ОЙНИ бевосита кўриш имкони бўлмаслиги мумкин.**

.....

**Хулоса: Ҳилолнинг кўриниш имкони билан уни бевосита кўраолиши кайфиятини бир-биридан ажратса олиш керак.”** дейилган.

Бундан маълум бўлмоқдаки, ҳижрий қамарий ой бошларининг қатъиян аниқланиши фақат руят орқали амалга ошади. Ҳисоб-китоблар занний бўлиб, қатъий эмас.

Диёнат ишлари қўмитаси ҳам қўйида кўрсатилган интернет саҳифасида “Қамарий ойнинг бошланиши учун ҳазрати пайғамбарнинг ҳадисига биноан, ҳилолнинг кўриниши шартдир” деб ёзилган.

<http://www2.diyanet.gov.tr/DinHizmetleriGenelMudurlugu/Sayfalar/Tanim.aspx>  
(25.05.2016 21:00)

**d. Руят-и ҳилол ҳақида Ислом олимлари ва ислом астрономлари айтган зарурый маълумотлар:**

Рамазон ойи ва байрам (ҳайит) кунлари гувоҳлар ёрдамида шариатга мос равиша аниқлана олмаган жойларда Зулхижжа ойининг биринчи куни ва бундан ўнинчи куни, яъни Қурбон ҳайитининг биринчи куни ҳисоблаб топилади. Байрам (ҳайит)нинг биринчи куни ушбу ҳисоб орқали топилган кун ёки бир кун кейин бўлади. Лекин асло бир кун аввал бўлиши мумкин эмас. Чунки кўқда ой, тугмасдан аввал кўринмайди.

Қамар [ой], қуёш билан юлдузларнинг шарқдан ғарбга қараб кундалик ҳаракатлариға иштирок этгани сингари Ер атрофида ҳам ғарбдан шарққа қараб ҳаракат қилмоқда. Бу ҳаракати қуёшнинг ғарбдан шарққа қараб йиллик ҳаракат тезлигидан илдамроқдир. Қамар [ой] ушбу ҳаракатида бир даврини (айланишини) 27 кун ва 8 соатда тутатмоқда. Шу сабабли кунлик даврини (айланишини) юлдузлардан 50 дақиқа 30 сония кеч тутатади. Қуёш эса, кунлик ҳаракатини 4 дақиқа кеч тамомлайди. Шунинг учун қамар бир аввалги кунга нисбатан қуёшдан кейин Нисф-ун-наҳор [кундуз муддатининг ўртаси]га етиб келади ва биринчи кеча қуёшдан 45 дақиқа сўнгра ботади. Қамар [ой] ер куррасининг атрофида айланётганда орбитаси жойлашган текислик билан эклиптик текислиги орасида тақрибан 5 даражалик бурчак ҳосил қиласди. Ҳар айланишида ой билан қуёш бир марта ер куррасининг бир тарафига тўғри келиб, учкови бир чизиқда жойлашади. Бу ҳолга “**Ижтимо-и найириайн=Conjunction**” дейилади. Бу ҳолатда қамарнинг [ойнинг] бизга қараган юзи коронғи бўлгани учун уни кўра олмаймиз. Шу пайтга “**Муҳак**” дейилади. Муҳак муддати доим бир хил бўлмай, 28 соат ила 72 соат орасида ўзгариб туради. Усмоний олимларининг тақвимларида бу вақтнинг максимум 3 кун [72 соат] деб ҳисобланганини кўриш мумкин. Ижтимо вақти, муҳак вақтининг қоқ ўртаси бўлиб, илмий тақвимларда ҳар ой учун кўрсаткичлари ёзилган. Ер ҳам қуёш атрофида ҳаракат қилгани учун икки ижтимо вақти орасидаги замон 29 кун, 13 соатни ташкил қиласди. Ижтимо вақтида шамс [куёш] билан қамар [ой] бир вақтда Нисф-ун-наҳордан [кундуз вақтининг ўртасидан] ўтмоқда. Ижтимо вақтидан саккиз даражада [тақрибан 14 соат] ўтмасдан аввал, яъни Ер билан қамарни ва Ер билан шамсни бирлаштирувчи икки тўғри чизик орасидаги “**Байнунат=Elongation=Элонгация**” бурчаги саккиз даражадан [14 соатдан] кам бўлганида ҳилол (янги ой) ҳеч қачон, ҳеч бир жойда кўриниши мумкин эмас. Энг кўпи билан 18 даражада бўлганида ой муҳак ҳолидан чиқиб, қуёш ботаётганида 45 дақиқа ичida ғарб тарафда уфқ чизиги устида янги ойнинг ҳилоли туғади. Лекин 57 дақиқа “**Ихтилофи манзар**”и туфайли уфқка 5 даражада яқинлашганда кўринмай қолади. Муҳак ҳолидан чиқкан пайтида қайси мамлакатда қуёш ботаётган бўлса, шу кенглик даражасида жойлашган мамлакатлардан янги туққан ҳилолни кўриш мумкин бўлади. Кейинги соатларда ёки кечада уларнинг ғарбидаги мамлакатларда ҳам қуёш ботганидан кейин ҳилолни кўриш мумкин.

Бу ҳисоблар қамарий ойнинг бошланиш вақтини топиш учун эмас, балки ҳилолнинг кўриниши мумкин бўлган кечани топиш учун қилинади. Имоми Субкий ҳам шундай деган. Имомнинг сўзини чаппасига кўрсатишга уринганларга алданмаслик лозим. Ҳилолнинг ердан кўриниши, тақвимда берилган кун ёки эртасига содир бўлади, бир кун аввал содир бўлмайди. (**Тахтовий ва Шарнблолий ҳошиялари**).

Осмонда Рамазони шариф ойининг ҳилолини кузатиш ибодатдир. Бундан маълум бўлмоқдаки, **Рамазони шарифнинг бошланишини аввалдан хабар бериш исломиятни билмасликнинг аломатидир**. Қурбон байрамининг биринчи куни эса, Зулхижжа ойининг ҳилолини кўриш орқали аниқланади. Зулхижжа ойининг тўққизинчи куни бўлган Арафа куни, доимо, ҳисоб ва тақвим орқали топилган кунга ёки эртанги кунга тўғри келади. Бундан бир кун аввал Арафотга чиққанларнинг ҳаж ибодатлари саҳих бўлмайди ва ҳеч қайсиси ҳожи бўла олмайди. Шаъбоннинг 29-куни қуёш ботгач, гарб тарафдаги зоҳирий (кўринадиган) уфқда Рамазон ҳилолини қидириш возибдир.

Одил бўлган, яъни катта гуноҳ қилмаган, аҳли суннат эътиқодидаги бир мусулмон ҳилолни булатли ҳавода кўрса, қозига, ҳокимга хабар беради. Қози қабул қилса, бутун дунёда Рамазон бошланади. Ҳоким, қозиси бўлмаган жойларда бир мусулмон ҳилолни кўрса, шу жойдагина Рамазон бошланади.

Бидъат аҳли ва фосиқларнинг сўзи шаръий ишларда қабул қилинмайди. Очиқ ҳавода кўп кишиларнинг хабар бериши лозим. Ҳилол кўринмаса, Шаъбон ойи ўттиз кун деб қабул қилиниб, эртаси кун Рамазон бошланади. Лекин **тақвим билан, астрономик ҳисоблар билан Рамазон ойи бошланмайди**.

“**Баҳр**”, “**Ҳиндия**” ва “**Қозихон**” китобларида айтиладики: «Бир одам Рамазон бошланганини билмай, тақвимга қараб, бир ой рўза тутса, рўзасини Рамазондан бир кун аввал ёки Рамазоннинг иккинчи куни ёхуд айни Рамазон бошида бошлаган бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда Рамазондан бир кун аввал рўза тутган бўлиб ва Рамазоннинг охирги куни ҳайитни нишонлайди. Иккинчи ҳолда Рамазоннинг биринчи куни рўза тутмаган, охирида ҳайит куни рўза тутган бўлади. Ҳар икки ҳолда ҳам, Рамазоннинг йигирма саккиз кунида рўза тутган бўлиб, байрамдан кейин икки кун қазо тутиб бериши лозим бўлади. Учинчи ҳолда рўза тутган илк ва сўнгги кунларининг Рамазонга тўғри келгани шубҳалидир. Рамазон эканлиги шубҳали бўлган кунлардаги рўза саҳих бўлмагани учун яна икки кун қазо тутади.» Бундан маълум бўлмоқдаки, Рамазонни кўкда ҳилолни кўриш билан эмас, аввалдан тайёрланган тақвимлар ёрдамида бошлаган кишилар байрамдан кейин икки кун қазо нияти билан рўза тутишлари лозим. Баъзилар “Рамазондан кейин икки кун рўза тутиш каердан чиқди? Ҳеч бир китобда бундай нарса йўқ” дейишади. “Китобларда ёзилмаган” деган сўzlари нотўғри. Чунки илгарилари ҳар асрда, ҳар жойда Рамазон ойи ҳилолни кўриш билан бошланарди. Шунинг учун икки кун қазо рўза тутишга ҳожат бўлмасди. Ҳозирги даврда Рамазон, янги ойининг (ҳилол) туғиш вақтини ҳисоблаб топиш орқали бошланмоқда. Яъни Рамазоннинг бошланиши шариатга мос бўлмаяпти. Бу хатони тузатиш учун байрамдан кейин икки кун қазо рўза тутиш лозим эканлиги Тахтовийнинг “**Мароқ-и-л-фалоҳ**” ҳошиясида ёзилган. Рамазон рўзасига ҳилолни кўрмасдан бошлаб қўйиб, 29-чи кечаси байрам ҳилоли кўринадиган бўлса ва Шаъбон ойи ҳам ҳилолни кўриш билан бошланган бўлса, ҳайитдан кейин бир кун қазо тутилади. Агар Шаъбон ойи ҳилолни кўриш билан бошланмаган бўлса, икки кун қазо рўза тутилиши “**Ҳиндия**” ва “**Қозихон**”да ёзилган.

**Ибни Обидин** (раҳима ҳуллоҳу таоло) “**Радд-ул-мухтор**” китобида айтадики: «Рамазон ойининг бошида кўкда ҳилолни, яъни янги ойни қидириш ақли-ҳуши жойида бўлган ва балоғатга етган ҳар бир мусулмон зиммасидаги возиби кифоядир. Кўргач, қозига хабар бериш ҳам возибдир. Қози буни қабул қилиб, эълон қилса [ер юзида] барча мусулмонларнинг шу куни рўза тутишлари фарз бўлади. Булатли ҳавода одил бўлган бир мусулмоннинг хабари қабул қилинади. Булатсиз очиқ ҳавода кўп кишининг хабар бериши лозим. Қозиси ёки мусулмон ҳокими бўлмаган жойларда одил бир мусулмоннинг “ҳилолни кўрдим” дейиши билан буни эшитганларнинг рўза тутишлари лозим бўлади. **Рамазон ойига тақвим билан, ҳисоб билан бошлаш жоиз эмас. Одил бўлсалар ҳам, Рамазон**

**оининг бошланиши учун қилинадиган ҳисоб-китобларнинг қадри-қиймати йўқ.** Уларнинг Рамазон ҳилоли тугадиган кунни аввалдан хабар беришлари билан Рамазон бошланмайди. Шофеъий олимларидан имоми Субкий (раҳима ҳуллоҳу таоло): «Шаъбоннинг ўттизинчи кечаси ҳилолни кўрдим деганлар бўлса, лекин ҳисоб орқали ҳилолнинг бир кеча кейин чиқиши аниқланган бўлса, бу ерда ҳисобга ишонилади. Чунки ҳисоб билан топилган вақт қатъийдир. Янги ойнинг туғишдан бир кун аввал кўриниши имконсиз» деган. [Ҳилолни кўриш орқали Рамазоннинг бошланиши, ҳисоб билан топилган кундан бир кун кейин бўлиши мумкин. Лекин бир кун аввал бўла олмайди.] Шамс-ул-аймма Ҳалвоний (раҳима ҳуллоҳу таоло) айтадики: «Рамазон ойи ҳилол кўриниши билан бошланади. Ҳилол туғиши билан бошланмайди. Ҳисоблар, ҳилол тугадиган кечани билдиради, ердан кўринадиган вақтини эмас, яъни Рамазони шариф ойнинг бошланиши ҳисоб орқали аниқланмайди. Икки одил мусулмоннинг “ҳилолни кўрдик” дейишлари билан ёки қозининг ҳукм бериши билан **бир жойда Рамазон бошланса, бутун дунёда рўза тутишни бошлаш лозим бўлади. Ҳаж, Курбон ва Намоз вақтларининг бунга дахли йўқ.** Буларнинг вақтларн бир жойда бошланиши ва аниқланиши, бошқа жойларда ҳам шундай бўлишни тақозо этмайди. »» [Яъни бу учи маҳаллий вақтга тобедир.]

### **3. АҚШ ҲАРБИЙ-ДЕНГИЗ РАСАДХОНАСИ USNO (US NAVAL OBSERVATORY) САЙТИДА РУЯТИ ҲИЛОЛ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

USNO АҚШда илмий тадқиқотлар ўтказадиган илмий ташкилот. Унинг асосий вазифаси позиция, навигация ва сайру-сафар борасида АҚШ денгиз флотига ва Мудофаа вазирлигига маълумот беришдир. USNO АҚШ ҳаво кучлари тарафидан ишлатиладиган GPS спутник тизимлари учун жуда нозик вақтларни ҳам ўлчаб, таъминлаб берувчи Асосий Соат Тизимини бошқаради. Бундан ташқари фазо жисмларини кузатиш ва ўлчаш ишларини ҳам амалга оширади.

[https://en.wikipedia.org/wiki/United\\_States\\_Naval\\_Observatory](https://en.wikipedia.org/wiki/United_States_Naval_Observatory)

USNOнинг веб саҳифасида руяти ҳилол мавзусида ўрин олган изоҳларнинг инглизча асли бу ёзувнинг иловасига қўйилган бўлиб, веб саҳифа адреси қуйидагича:

<http://aa.usno.navy.mil/faq/docs/crescent.php> (2016-05-25 22:52)

USNOнинг ушбу сайтида янги ойнинг ҳилолига тегишли маълумотларнинг илк жумласи қуйидагича:

“Ҳар янги ойнинг (ижтимонинг) кун ва соати қатъий равища ҳисобланишига қарамай, ҳилолнинг кўриниши янги ойдан эътиборан ўтган вақтга ва бошқа кўплаб таъсиirlарга боғлиқ ҳамда ҳисоб орқали қатъий равища аниқлана олмайди.”

### **4. ИБРОНИЙ ТАҚВИМ**

Бухорий Ибни Аббосдан ҳижрат хусусида қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилганди. “Расулуллоҳ Мадинани ташриф қилган вақтларида яхудийларни рўздор ҳолатда кўриб “Бу қандай рўза?” деб сўрадилар. “Бугун муборак кун. Бани Исроил душманлари (Фиравн)нинг зулмидан озод бўлган кун. Ҳазрати Мусо алайҳиссалом неъматга шукр қилиш учун бугун рўза тутган” деган жавобни оладилар. Шунда Расулуллоҳ “Биз Мусога сизлардан кўра ҳақлироқмиз” деб марҳамат қилиб, ўзлари рўза тутдилар ва асҳобига ҳам рўза тутишларини амр этдилар.” Ал Беруний бу куннинг яхудийча ташри ойнинг ўнинчи куни эканлигини айтган.

Яъни яхудийлар диний кунлари ва ибодатлари учун ўзларига маҳсус бўлган “Лунар” (Ой орбитасига кўра тузилган) тақвимдаги бутун ойларнинг ой бошларини ҳозиргача руят (кўриб-кузатиш) ва гувоҳлар ёрдамида аниқламоқда. Ўтказилган кузатишларни, кузатувчиларнинг исмлари, жойи ва кузатиш куни, соатлари билан қайд этиб, эълон қилишмоқда. Бу тақвим “Иброний тақвими”дир. Мусавий ва яхудий тақвими ҳам дейилади. Куйидаги линкда батафсил маълумот бор.

([https://tr.wikipedia.org/wiki/%C4%B0brani\\_takvimi](https://tr.wikipedia.org/wiki/%C4%B0brani_takvimi))

Масалан 2-чи инжилий ойнинг ҳилоли 2016 йил 7 май куни қуидаги ерлардан, ёнида ёзилган кишилар тарафидан кузатилган ва 8 май куни ой бошланган. Бу бизнинг хижрий қамарий тақвимимизда руят (кўриш) орқали бошлаган **Шаъбон** ойига мос келмоқда. Ҳар ой боши руят орқали бошланганидан биз фойдаланадиган Ҳижрий Қамарий ойлардан бирининг руят билан бошланган ой бошига тўғри келмоқда. Куйидаги линкда ҳар ой бошлари учун ердан кузата олиш харитасини ҳам кузатишдан аввал эълон қилгани кўрилмоқда.

<http://renewedmoon.com/>

**Bali, Indonesia** [AhmadAdji (6:24pm/UCT+8)]

**PoriyaIlit, Israel** [RebeccaBiderman (7:47pm/UCT+2)]

**Jerusalem, Israel** [Devorah Gordon (7:49pm/UCT+2)]

1-чи инжилий ойнинг ҳилоли (бизча Ражаб ойи бошига тўғри келмоқда) 2016 йил 8 апрель куни қуидаги ерлардан ёнларида ёзилган кишилар тарафидан кузатилган ва 9 апрель куни ой бошланган.

<http://renewedmoon.com/archived-reports/archive.htm?d=2016-2017-01> (2016-05-26 00:23)

**Darwin & Perth, Australia** [ShabbirAhmed (approx. 6:45pm/UCT+9:30)]

**Colombo, Sri Lanka** [Nimal Road Mosque (approx. 6:19pm/UCT+5:30)]

**Gothenburg, Sweden** [MiltonAbili (21:15)]

## 5. РАЖАБ - 1437 ОЙИГА ОИД ҲИЛОЛНИНГ КУЗАТИЛИШИ

Тақвим ҳайъатимиз томонидан вақти-вақти билан руят-и ҳилол учун кузатишга чиқилмоқда ва ҳилол кўринганида видеога олинмоқда. Масалан 1437 йилги Ражаб ойи ҳилолини кузатишга 7 ва 8 апрель кечқурун чиқилган. Лекин Туркиядаги тақвимларда кўрсатилган 7 апрель куни Туркия ҳамда дунёнинг ҳеч бир ерида ҳилол кўринмади. 8 апрель жума оқшоми такрор кузатишга чиқиб, ҳилолни кўриб, буни видеога қайд этдик. Кузатишга кўра 1437 йилги Ражаб ойи тақвимларда ёзилганидек 2016 йил 8 апрелда эмас, 9 апрель куни бошланди. Бу борада кузатиш давомида олинган фотосуратлар ва видеоларни қуидаги линкда кўришингиз мумкин.

<http://www.turktakvim.com/index.php?link=html/rasadlar/rasadlar.html>

## 6. НАТИЖА

Қамарий ойларнинг биринчи кунларининг қуролланмаган кўз билан расадга (кузатишга) асосланган руят (кўриш) орқали аниқланишининг кераклиги, юқорида ҳам илмий, ҳам диний далиллар билан исботланди.

Рамазон ва байрам ойларининг илк кунларини аниқлаш учун янги ой (ҳилол)-нинг кўриниши шарт эканлиги “носс” билан событдир. Носс бўлган масалада ижтиҳод қилинмайди.

Бу ойларнинг ва бошқа бутун қамарий ойларнинг бошланишини аниқлашда ҳилолнинг кўринишини ҳисоблаб бўлмаслиги USNO сайтида қатъий ифодалар билан билдирилган.

Ҳижрий қамарий ой бошларини аниқлашда ҳилолнинг қуролланмаган кўз билан кўриниши асос қилиб олингани учун Янги Ой ҳилолининг туғиши ҳисоблари бўйича тайёрланган тақвимларда билдирилган кунларга эмас, ой боши расад (кузатиш) орқали аниқланадиган кунларга амал қилиш зарурийдир.

Қисқаси, ой бошлари ҳисоб орқали эмас, расад (кузатиш) орқали топилиши керак.

Бундан ташқари Асри Саодатдан бери ислом мамлакатларида бу борадаги татбиқ қилиб келинган усул ва қоидалар ҳам мўътабар нақлий ва ақлий далиллар билан собит.

## **БУЛЕНТ ГЕНЧЭР**

**Туркия Тақвими  
Вақт ҳисоблаш ҳайъати раиси**

**Tel:** 0212 454 2388

**E-mail:** [info@turktakvim.com](mailto:info@turktakvim.com)

**Web:** [www.turktakvim.com](http://www.turktakvim.com)

## CRESCENT MOON VISIBILITY

Although the date and time of each New Moon can be computed exactly, the visibility of the lunar crescent as a function of the Moon's "age"—the time counted from New Moon—depends upon many factors and cannot be predicted with certainty. During the first two days after New Moon, the young crescent Moon appears very low in the western sky after sunset, must be viewed through bright twilight, and sets shortly after sunset. The sighting of the lunar crescent within one day of New Moon is usually difficult. The crescent at this time is quite thin, has a low surface brightness, and can easily be lost in the twilight. Generally, the lunar crescent will become visible to suitably-located, experienced observers with good sky conditions about one day after New Moon. However, the time that the crescent actually becomes visible varies quite a bit from one month to another. Naked-eye sightings as early as 15.5 hours after New Moon have been reliably reported while observers with telescopes have made reliable reports as early as 12.1 hours after New Moon. Because these observations are exceptional, crescent sightings this early in the lunar month should not be expected as the norm.

The visibility of the young lunar crescent depends on sky conditions and the location, experience, and preparation of the observer. Generally, low-latitude and high-altitude observers who know exactly where and when to look will be favored. For observers at mid-northern latitudes, months near the spring equinox are also favored, because the ecliptic makes a relatively steep angle to the western horizon during these months. The steep angle means the Moon's altitude will be greater just after sunset.

Ignoring local conditions for the moment and visualizing the problem from outside the Earth's atmosphere, the size and brightness of the lunar crescent depend on only one astronomical quantity: the *elongation* of the Moon from the Sun, which is the apparent angular distance between their centers. For this reason, the elongation has also been called the *arc of light*. If the value of the elongation at any instant is known, the width of the crescent can be computed.

The elongation as a function of the Moon's age depends on several factors:

1. **The Moon's elongation at New Moon.** The elongation of the Moon at New Moon is not necessarily 0. The Moon's center may pass directly in front of the Sun at New Moon (when a solar eclipse will occur) or it may be as much as five degrees to the north or south of the Sun. That is, the Moon can start the month with an elongation ranging from zero to five degrees. A minor complicating factor involves the definition of New Moon in the almanacs. Astronomical New Moon is defined to occur when the Sun and Moon have the same geocentric ecliptic longitude, which may not occur precisely when the Sun and Moon are closest together in the sky.
2. **The speed of the Moon in its orbit.** The Moon's orbit is elliptical, and its speed is greatest when it is near perigee (closest to the Earth), least near apogee (furthest from the Earth). The change in speed is caused by conservation of angular momentum; the same principle causes a spinning ice skater to speed up when she pulls her arms inward. If perigee occurs near New Moon, the Moon will appear to be moving away from the Sun in the sky at a greater than average rate.
3. **The distance of the Moon:** Because of its elliptical orbit, the distance of the Moon varies. Even if the Moon moved with a constant speed, its angular motion as viewed from the Earth would be greater when the Moon is near perigee. Similarly, a nearby automobile appears to be moving quicker than a more distant one, even if they are actually moving at the same speed.
4. **The observer's location (parallax).** If the observer is located in the tropics such that the one-day-old-Moon is observed just before it sets, its elongation as seen by the observer will be about a degree less than that seen by a fictitious observer at the center of the Earth, which is the position used for most almanac calculations. Similarly, if you look at a foreground object with one eye closed and then close that eye and open the other, the object makes an apparent jump against the background. The change in the observed elongation is less for observers at middle or high latitudes; however, other geometric factors are less favorable for these observers.

Factors (2) and (3) are linked by Kepler's second law, which predicts that the angular speed of the Moon as seen from the Earth will vary by about 22%. The combined effect of the first three factors gives geocentric elongation of the Moon from the Sun at an age of one day can vary between about 10 and 15 degrees. The last factor can subtract about a degree for an observer at the equator.

This large range of possible elongations in the one-day-old Moon is critical. At this time the width of the crescent is increasing with the square of the elongation, and the surface brightness of the crescent is also rapidly increasing. The apparent area of the crescent also increases inversely with the square of the distance to the Moon. Some of the earliest reliable sightings of the crescent occur near elongations of around 10 degrees. Simply specifying the age or elongation of the Moon cannot tell the whole story. But the elongation is a more reliable parameter to use as a *starting point* in assessing the lunar crescent visibility at any given date and time.

The prediction of the first sighting of the early crescent Moon is an interesting problem because it simultaneously involves a number of highly non-linear effects. Stated in less technical language, many things are changing very rapidly. Effects to be considered are the geometry of the Sun, Moon, and natural horizon; the width and surface brightness of the crescent; the absorption of moonlight and the scattering of sunlight in the Earth's atmosphere; and the physiology of human vision. This problem has a rich literature. Some modern astronomical references are:

- Caldwell, J.A.R. & Laney, C.D. 2001, "First Visibility of the Lunar Crescent", *African Skies*, No. 5, pp. 15–23
- Doggett, L. E. & Schaefer, B. E. 1994, "[Lunar Crescent Visibility](#)," *Icarus*, Vol. 107, pp. 388–403.
- Fatoohi, L.J., Stephenson, F.R., & Al-Dargazelli, S.S. 1998, "[The Danjon Limit of First Visibility of the Lunar Crescent](#)," *The Observatory*, Vol. 118, pp. 65–72
- Fatoohi, L.J., Stephenson, F.R., & Al-Dargazelli, S.S. 1999, "[The Babylonian First Visibility of the Lunar Crescent: Data and Criterion](#)," *Journal for the History of Astronomy*, Vol. 30, pp. 51–72
- Ilyas, M. 1994, "[Lunar Crescent Visibility Criterion and Islamic Calendar](#)," *Quarterly Journal of the Royal Astronomical Society*, Vol. 35, pp. 425–461
- Pepin, M. B. 1996, "In Quest of the Youngest Moon", *Sky & Telescope*, December 1996, pp. 104–106
- Schaefer, B. E. 1988, "[Visibility of the Lunar Crescent](#)," *Quarterly Journal of the Royal Astronomical Society*, Vol. 29, pp. 511–523
- Schaefer, B. E., Ahmad, I. A., & Doggett, L. E. 1993, "[Records for Young Moon Sightings](#)," *Quarterly Journal of the Royal Astronomical Society*, Vol. 34, pp. 53–56

Her Majesty's Nautical Almanac Office computes and distributes predictions of [lunar crescent visibility](#). The [Astronomical Calendar](#) by Guy Ottewell includes good diagrams of the positions of young and old Moons during the year (drawn for the eastern U.S.) and an explanation of the factors affecting their visibility.

Related information on these web pages includes:

- [Phases of the Moon and Percent of the Moon Illuminated](#) (definitions) in **FAQ**
- [Dates of Primary Phases of the Moon](#) in **Data Services**
- [Fraction of the Moon Illuminated](#) in **Data Services**
- [What the Moon Looks Like Today](#) in **Data Services**
- [Complete Sun and Moon Data for One Day](#) in **Data Services**
- [Sun or Moon Rise/Set Table for One Year](#) in **Data Services**
- [The Islamic Calendar](#) in **FAQ**